


Тавба



12:40 / 19.05.2025 1745

Солиҳларнинг бирларидан қандай тавба қилганлари ҳақида сўралди. У зот шундай жавоб бердилар: «Бир куни гуноҳларим, тоатларда камчиликка йўл қўйганим ва вафот этишим ҳақида ўйлаб қолдим. Қарасам, умрим тугаб боряпти. Гуноҳларим эса кўпайиб боряпти. Вафотим ҳам яқинлашиб келмоқда. Нафсим эса тавбага юзланмаяпти. Устимда тоғлар ҳам кўтаролмайдиган бало турганини англаб етдим. Аҳволим оғирлигини ўйлаб, уйимдан чиқдим. Йўлда бир табибнинг ёнидан ўтиб қолдим. Қарасам, бир тўп одамлар уни ўраб олиб, дори солинган идишларни унга узатиб, уларни ичиш тартибини (рецептини) сўрашаётган экан. Хуллас, уларнинг ёнига бориб тўхтадим ва бояги табибдан: «Сизда гуноҳларнинг дориси борми?» деб сўрадим. Табиб бир муддат бошини қуйи солиб турди-да, кейин: «Агар осий Кимга исён қилаётганини билганда эди, маъсият қилишдан олдин эриб кетган бўларди» деди. Бу гапларни эшитиб, дарҳол уйимга қайтдим. Табибнинг гапи қалбимга қаттиқ таъсир қилган эди. Ҳозиргача шу тавбамда собит туриб, Роббимнинг эшиги оstonасидан жилмадим».

Шайх Ҳоний Ҳожининг «Солиҳлар ва солиҳалар, зоҳидлар ва зоҳидалар ҳаётидан минг бир қисса» китобидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси